

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ

1905 йилда ташкил этилган



АОКАда ўтказилган брифингда Ўзбекистон касабалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси Ҳаётжон Шарипов Ўзбекистон касабалари уюшмалари ташкил топганлигининг 120 йиллиги юзасидан маълумот берди:

Ўзбекистон касабалари Федерацияси томонидан касабалар уюшмаларининг жамиятдаги ролини ошириш асосида мазкур жамоат ташкилотининг тарихи, хусусан, илк касабачилик ҳаракатининг пайдо бўлиши омилларини ўрганиш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Худди шу мақсадда махсус ишчи

гуруҳи тузилиб, Ўзбекистон Фандар Академияси Тарих институти, Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви, Ўзбекистон Миллий кутубонасининг Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар бўлими, Ўзбекистон тарихи музейи ва бошқа қатор илмий муассасаларда етук тарихчи олимлар, илмий ходимлар, шарқшунослар билан тадқиқот ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида joyлашган Россия давлат тарихи архиви фонди ҳамда Россия миллий кутубонасида беш мингдан ортиқ ҳужжатлар устида ўрганишлар олиб борилиб, Ўзбекистон касабалари уюшмалари тарихига оид қимматли маълумотлар аниқланди. Шунингдек, Туркистон генерал губернаторлигида ишчилар ҳаракати оид чоп этилган «Туркистон», «Ишчилар дунёси», «Хуршид», «Тараққий» ва «Самарқанд» газеталарининг 500 дан ортиқ сонлари ўрганилди.

Тарихий манбалар ишчи-ҳодимларнинг илк касабалар уюшмалари XIX асрнинг иккинчи ярмида Англия ва Америкада вужудга келган бўлса, XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида илк касабачилик ҳаракати бошланганлигини кўрсатмоқда. Тадқиқотларга кўра, бутун жаҳонда бўлгани каби, Туркистон заминидан ҳам касабалар уюшмалари пайдо бўлишдан олдин ишчи-хизматчилар турли тўғарак, йиғин ва уюшмаларга бирлаша бошлаган. 1905 йилда Тошкентда ишчиларнинг 15 та ана шундай тўғарак фаолият юритган.

Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистон касабалар уюшмалари қарийб 120 йиллик тарихга эга бўлиб, ўлкадаги илк касабалар уюшмалари 1905 йилда темир йўл ишчилари ва алоқа ходимлари томонидан ташкил этилган. 1905 йилнинг кузига темир йўл уюшмаси Туркистон бўлими ташкил этилган. 1906 йилнинг бошида у Ўрта Осиё ва Оренбург - Тошкент темир йўлларининг 8 миң нафар ишчи-ҳодимини ўзида бирлаштирган. 1906 йилнинг 1 июлида Тошкентда бўлиб ўтган Бутурроссия темир йўл уюшмаси Туркистон бўлимининг биринчи қурултоида Ўрта Осиё ва Оренбург - Тошкент темир йўллари ишчи-ҳодимларининг Устави қабул қилинган. Ушбу ҳужжатнинг нусхаси Ўзбекистон касабалар уюшмалари тарихи музейида сақланмоқда.

Архив ҳужжатларида 1905 йил 24 октябрда Тошкентда Почта-телеграф ишчиларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтгани, унда Почта-телеграф уюшмасининг Туркистон бўлимини ташкил этиш буйича қарор қабул қилингани, ушбу ишларни бошқариш учун кўмита аъзолари сайлангани баён этилган.

1905 йилнинг февралда Ўрта Осиё темир йўллари Тошкентдаги бош устаносида Оренбург - Тошкент темир йўлининг тахминан 400, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бош устаносининг қарийб 800 нафар ишчиси ўз раҳбариятлари олдида 19 банддан иборат талабларни кўйишган. Ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган бу талабнома бутунги кундаги Жамоа шартномаларининг асл мазмунининг ифодаси дейиш мумкин.

«Самарқанд» газетасининг 1905 йил 10 июндаги 116-сонидан чоп этилган «Темир йўл хизматчилари уюшмаси» номли мақолада темир йўл тизимида турли касб эгалари ва ишчи-хизматчиларни қамраб оладиган ва бирлаштирадиган касабалар уюшмаларини тузиш зарурати туғилгани таъкидланган.

1905 йилнинг 13-20 декабрь кунлари Ўрта Осиё темир йўллари ишчи ва хизматчиларининг I Қурултои йўз қилинган. Унда январь ойидан эътиборан 8 соатлик иш кунини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу тарихий қарорнинг қабул қилинганлиги касабалар уюшмалари ҳаракати фаолларининг йирик ғалабасидир.

Шунингдек, «Русский Туркестан» газетасининг 1905 йил декабрь ойидаги 264-сонидан Тошкентда Идора хизматчилари ва бухгалтерлар касабалар уюшмаси ташкил этилаётгани тўғрисида хабар берилган.

«Туркестан», «Туркестанские ведомости», «Туркестанский курьер», «Новый путь», «Впередь» газеталарида 1905-1906 йилларда нашр этилган мақола ва хабарномаларга кўра, Тикувчи ва этикдўзлар касабалар уюшмаси, Официант, ошпаз ва уй хизматкорлари касабалар уюшмаси, Матбаа ходимлари касабалар уюшмаси, Тошкент Механика ишлаб чиқариш заводи ишчилари касабалар уюшмаси, Қурувчилар касабалар уюшмаси, фельдшер, фельдшер аёллар ва ҳамширалар касабалар уюшмаси каби касабалар ташкилотларининг таъсис йиғилишлари ўтказилган.

Бундан ташқари Туркистон касабалар уюшмалари 1906 йилдаёқ ўз фаолиятини янада ривожлантириш, аъзоларини зарур билим ва кўникмалар билан қуроллантириш мақсадида Тошкент шаҳрида ўз кутубонасини очганлиги аниқланди. Ушбу маълумот Туркистон заминидан касабалар уюшмаларига бўлган қизиқишнинг юқори салмоғини белгилаш билан бирга, ўлка касабалар уюшмалари илк қадамларини билим ва маърифат асосида ташлаганликларидан далолат беради.

Ушбу хулосалар ҳақиқатан ҳам Туркистон заминидан илк касабалар уюшмалари 1905 йилда вужудга келганини тасдиқлайди.

Бу эса, келаятган 2025 йилда мамлакат касабалар уюшмалари ташкил топганига 120 йил тўлишини ёрқин намоян эътиборан 8 соатлик иш кунини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух 23 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

ТАШРИФ ДАВОМИДА:

24 июнь куни Кўксарой қароргоҳида мамлакатимизга давлат ташрифини амалга ошираётган Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг самарали музокаралари якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Етакчилар Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотни имзоладилар.

Давлат ташрифи давомида жами 14 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух олий даражадаги музокаралар якунлари буйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув ўтказдилар.

Олий даражадаги Ўзбекистон-Мўғулистон муносабатлари якунлангач, Кўксарой қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Ухнаагийн Хурэлсух халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик, икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очишга бўлган ўзаро интилиш рамзи сифатида Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экидилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух биргаликда Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф буюрдилар.

Эълон

ЖХИЕФ Ёшлар тармоғи тарихида илк бор Марказий Осиёдан вакил ҳамраис лавозимига сайланди

Жорий йилнинг 15-16 июнь кунлари Бухарест шаҳрида Жамоат хизмати Интернационал Европа Федерацияси (ЖХИЕФ) Ёшлар тармоғининг йиллик йиғилиши доирасида ЖХИЕФ Ёшлар кенгаши бошқарув кўмитасининг 15 та ҳамраис лавозимига сайловлар бўлиб ўтди. Ушбу учрашувда Европа ва Марказий Осиёнинг 24 давлатидан 40 дан ортиқ ёшлар вакили иштирок этди. ЖХИЕФ Ёшлар тармоғи ташкил этилган кенгаши бери (2010 йил) илк бор Марказий Осиёдан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабалар уюшмаси Республика кенгашининг Халқаро ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича бош мутахассиси Зафар Ҳасанов бир овоздан ҳамраис этиб сайланди.

Ёшлар кенгаши бошқарув кўмитасининг ҳамраиси ЖХИЕФнинг навбатдаги Конгрессига ҳамда 5 йил муддатга сайланади. ЖХИЕФ Ёшлар кенгаши бошқарув кўмитасининг мақсади ёш касабалар уюшма ходимларини бирлаштириш ва уларни турли фаолият соҳаларида ўқитишдир.

Ўз мухбиримиз



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ 2024/2025 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМНИНГ БАКАЛАВР Йўналиши бўйича АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!



Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу нодавлат таълим муассасаси меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасига олий маълумотли етук кадрларни тайёрлаб беради.

2024/2025 ўқув йили Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академиясининг Меҳнат соҳасини бошқариш факультети:

- * Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги
- * Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги
- * Инсон ресурсларини бошқариш
- * Ижтимоий иш (соҳалар бўйича)
- * Психология (фаолият турлари бўйича)
- * Менежмент
- * Юриспруденция

Йўналишларида таълим олиш учун талабалар қабул қилинади.

Академияда ўқиш ўзбек ва рус тилларида, тўлов-контракт асосида олиб борилади. Ўқиш муддати 4 йил.

Қабул учун абитуриентлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этиладилар:

ректор номига ариза;

паспорт нусхаси;
ўрта махсус маълумот тўғрисидаги диплом ёки 11-синфни битирганлиги тўғрисидаги шаходатноманинг нусхаси;
абитуриентнинг 3x4 ҳажмдаги фотосурати.

Ҳужжатлар кундузги бўлимга 2024 йил 1 апрелдан 25 августгача;

сиртқи бўлимга эса 1 апрелдан 1 октябргача Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Алишеробод» МФЙ, Миллий бог кўчаси, 7-уй ёки <https://atso.uz> электрон манзили орқали қабул қилинади.

Қабул жараёни тўғрисидаги батафсил маълумотларни (71) 265-01-64, (55) 506-01-50 телефон рақамлари ва <https://atso.uz> веб-сайти орқали олишингиз мумкин.

Унутманг, Академияга ҳужжат топшириш орқали ўз келажагингиз учун улкан инвестиция киритасиз!

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси



ЎЗБЕКИСТОН - БИЗНИНГ ВАТАНИМИЗ!

Мустабид тузум даврида мамлакат миқёсидаги хайрли ва савобли ишларни амалга ошириш осон кечмаган. Сабаби, «марказ»га қарамлик туфайли республика раҳбариятининг қўл-оёғи «жиловланган», ҳар қандай ишни бажариш учун «юқори»дан руждат олишга мажбур бўлган.

Масалага шу жиҳатдан қараганда, Косонсойда санаторий барпо этиш ташаббусининг рўёбга чиқиши ҳам анча қийин кечган. Чунки собиқ Иттифокнинг Кисловодск, Ессентуки, Ялта каби шаҳарларида мавжуд санаторий ва курортлар ҳам барча республикалардан мижозлар келишидан манфаатдор эди. Шу боис одамларни даволаш учун барча имкониятлар мавжуд чекка гўшаларда санаторий барпо этишга «марказ»дагилар унчалик рўйхушлик бермасди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги раҳбари Шароф Рашидов Косонсойдек жаннатмонанд гўша афзалликларидан яхши хабардор бўлгани учун бу ерда республика аҳамиятига молик соғломлаштириш муассасаси бунёд этилишига шахсан ўзи бош-қош бўлди. Кўплаб музокара ва тортишувлардан сўнг, нихоят, 1978 йилнинг 2 октябрыда Косонсой шаҳрида 500 ўринли оналар ва болалар санаторийси қуриш ҳақида қарор қабул қилинди.

Бу хушхабар бир зумда бутун вилоятга тарқалди. Одамлар қувончининг чеки йўқ эди. Туман раҳбарлари эса енг шимариб, ишга киришдилар. Бунёдкорлик ишларини тумандаги энг йирик 58-механизацияланган кўчма қурилиш ташкилоти ўз зиммасига олди. 80-йиллар бошларида қурилиш жадаллашди. Баъзан шу ҳудудда турли соҳаларда фаолият юритаётган юзлаб кишилар ҳашарга келишар, қурувчиларга кўмаклашиш, атроф-мухитни ободонлаштириш, кўкалмазорлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатишар эди. 1985 йилга келиб, 250 ўринли ётоқхона, 500 ўринга мўлжалланган даволаш биноси, 250 ўринли ошхона биноси фойдаланишга топширилди. 1987 йилда 500 метр чуқурликдан натрий хлоридли мадданли сув қазиб чиқарилди.

Мен халқимиз ўз юртига ва она ерига нақадар меҳр-муҳаббатли эканлигини ўша кезлар қалбимизга қилганам. «Бизнинг қишлоқда санаторий очилади» деган гап барчани бирдек ғурурлантирарди. Бироқ мамлакатни ҳамон шўролар ҳукумати бошқараётгани сабабли бу сўлим маскан «марказ»га яқин санаторийлар соясида қолиб келди, ҳатто у вазиридан бу вазирига ўтиб, қўлма-қўл бўлди.

Хайриятки, Истиклол шарофати билан бойликларимиз ўзимизга қайтди, мусаффо осмонимизга, зилб сувларимизга ўзимиз эга бўлдик. Туб ислоҳотлар Янги Ўзбекистонда тиббий туризмни, соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришда, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда, жумладан, сиҳаттоҳлар фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй беришида муҳим омил вазирасини ўтапти. Эзгу сазой-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Косонсой санаторийси мамлакатимиз фуқаролари қатори хорижлик меҳмонлар учун ҳам мароқли ҳордиқ чиқариб, даволанданган сеvimли масканга айланди. Биргина ўтган йили бу ерга 6180 нафар дам олувчи ташриф буюрди. Улар орасида Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва бошқа давлатлар фуқаролари ҳам бор эди.

Эрта тонгда санаторий деразасидан атрофга назар солсангиз, табиат гўзалликларидан баҳра оласиз, шунингдек, банд адирлик бағридаги улкан деворлар қолдигига кўзингиз тушади. Бу эрамиздан аввалги учинчи-иккинчи асрларга тааллуқли Муғтепа ёдгорлигидир.

Ҳа, Ўзбекистон кўҳна юрт. Энг муҳими, у сизнинг, менинг ва ҳамюртларимизнинг Ватани. Биз унинг фарзанди эканлигимиздан ҳар қанча фахрлансак, арзийди!

Абдуллоҳон ҚАЛАНДАРОВ,
«Косонсой санаторийси»
МЧЖ директори

ТАЪТИЛ ТААССУРОТЛАРГА БОЙ ЎТАДИ

«Худудгаз»нинг Фориш тумани ҳудудидаги Жиззах газ таъминоти филиалига қарашли «Зангори олов» болалар оромгоҳида дам олиш мавсуми бошланди. Дам олиш мавсумининг биринчи босқичида бу оромгоҳ тизимдаги корхоналар ишчи-хизматчиларининг 122 нафар фарзандини бағрига олди.

Нурота тоғ тизмаси бағридаги ушбу болалар оромгоҳи соя-салқинлиги, хушманзара сой бўйида жойлашгани билан машҳур. Мавсум олдида оромгоҳнинг дам олиш хоналари ва ёрданч иншоотлар таъмирдан чиқарилиб, янги юмшоқ мебеллар билан қайта жиҳозланди.

Болаларнинг мириқиб дам олишлари учун муассасада барча қулайликлар яратилган. Жумладан, мавсум давомида болалар дам олиш билан бирга инглиз тили,

компьютер ва спорт тўғрақларида шуғулланишлари учун етарли шароитлар мавжуд.

Айни пайтда оромгоҳда «Худудгаз»нинг Сирдарё филиали ишчиларининг 38 нафар, Самарқанд филиали ишчиларининг 15 нафар, Жиззах филиали ишчиларининг 69 нафар фарзанди соғломлаштирилмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Айни пайтда Сурхондарёда 9 та болалар оромгоҳи мавжуд бўлиб, шундан 4 таси касабга уюшмалари тасарруфда. Эътиборлиси, барчаси шарқираган сойлар, дарёлар ва тоғлар ён бағридаги баҳоли, сўлим масканларда жойлашган. Бу эса дам олиш мавсумида 7-14 ёшга бўлган воҳалик 7440 нафар болани соғломлаштириш учун айни муддаодир.

Барча оромгоҳлар биринчи навбатда 1870 нафар ўғил-қизни ўз бағрига қабул қилиб олди, - дейди Болаларнинг дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Аббос Тоғаймуродов. - «Жануб гавҳари», «Хонжиза», «Бешбулоқ», «Вахшивор» каби оромгоҳларнинг қайси биринга эътибор қаратманг, барча-барчасида етарли даражада шароитлар яратилган.

Бу ерда биз дам олиш билан бирга билан ва маҳоратимизни ошириш имкониятига ҳам эгамиз, - дейди Термиз шаҳридан «Хонжиза» оромгоҳига келган Қозим Абдумўминов. - «Еш дастурчи», «Еш расомлар», спортнинг шахмат-шашка, футбол, волейбол тўғрақлари фаолият юритмоқда. Мен ҳам инглиз тили, ҳам футбол тўғрақларида янги дўстларим билан боряпман.

Ушбу мавсумда 130 та ихтисослашган мактаб-интернат ва кундузги мактабдаги соғломлаштириш майдончаларига ҳам 12 минг нафар ўғил-қиз жалб этилади, - дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов. - 139 та станция ва кундузги оромгоҳда 19 минг 440 нафар болани дам олдириш учун 10 миллиард 378 миллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий мавсумда касабга уюшмалари тасарруфда бўлган 4 та оромгоҳда дам олувчиларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида аутсорсинг тизими жорий этилди. Қолган 5 та оромгоҳга ҳам худди шундай сифатли маҳсулотлар етказиб бериш учун савдо ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, хусусан, кўп тармоқли фермер ўзжаликлари билан шартномалар тузилган.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Шаҳрисабз шаҳри марказида жойлашган Беруний номидаги оромгоҳ 60 йиллик тарихга эга. Болаларнинг дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментига қарашли мазкур масканда айни пайтда 400 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқармоқда. Уларнинг 300 нафарга яқини вилоятдаги нефть ва газ саноати ходимлари фарзандларидир.

УНУТИЛМАС ДАМЛАР

«Яхши дам - ўқишга ҳамдам». Ҳар бир тадбир ортда шу ғоя мужассам. Болажонларнинг янги билим ва кўникмаларни эгаллаши, тафаккур ва дунёқарашларини бойитиши учун кўплаб креатив лойиҳалар амалга оширилди. «Китоб - бизнинг дўстимиз», «Эртақлар - яхшиликка етаклар», «Энг фаол китобхон», «Бу китобни ўқидингизми?» саволжавоблар викторинаси, «Мен ёқтирган асар қаҳрамони», «Зулфияхоним қизлари» бахрибайт кечалари ёш китобхонлар учун айни муддао бўлди. Бундан ташқари, «Инглиз тили», «Тикиш-бичиш», «Еш Бехзодлар», «Компьютер кўникмалари», «Бисер тиқиш», «Еш ижодкорлар», «Миллий рақс» тўғрақлари учун алоҳида хоналар ташкил этилган.

Шунингдек, ўғил-қизларни замонавий касб-хунарга йўналтириш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, қатор клубларга асос солинди. «Еш таржимонлар», «Еш мухбирлар», «Еш ошпазлар», «Еш фотографлар» клублари шулар жумласидан бўлиб, иштирокчилар «Қим бўлсам экан?», «Касблар фестивали», «Сизга хавас қиламиз» каби ранг-баранг учрашувларда катнашишяпти.

Эътиборли жиҳати, оромгоҳда ҳар бир куннинг ўз номи, ўз йўналиши, мазмун-мундарижаси бор. «Салом, оромгоҳ», «Фестиваль», «Заковат», «Санъат ва истеъдод», «Ҳарбий ватанпарварлик», «Она табиати асраш», «Моҳир кўлар», «Спорт», «Туризм», «Халқлар дўстлиги», «Дўстларга мактуб», «Тасқирлаш» кунларида зеркишга вақт ҳам қолмайди.

Болаларни миллий қадриятларимизга қизиқтириш ва ҳурмат-эҳти-

ром туйғуларини шакллантириб бориш мақсадида «Миллий рақслар», «Миллий ашулалар танлови» ва «Энг гўзал ижро» танловлари йўлга қўйилган. Энг зукко ва энг чаққон қизлар эса «Жажжи малика», «Оромгоҳ маликаси» кўрик-танловларида сараланяпти.

«Энг аҳил жамоа», «Энг тоза ётоқхона», «Энг масъулиятли жамоа навбатчиси», «Энг масъулиятли етакчи», «Энг чаққон тарбиячи» номинациялари бўйича ҳам кун ғолиблари эълон қилиб борилмоқда. «Қувноқлар ва зукколар», «Келинг, бир қилишайлик!», «Модалар танлови», «Балли, йигитлар», «Балли, қизлар» танловларида фаол иштирок этганларга оромгоҳ маъмурияти томонидан совғалар таъсис этилган.

Яқиндагина сўлим масканда касабга уюшма фаоллари билан учрашув уюштирилди. Унда вилоят кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Севара Исмилова юртимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликлари 100 дан ошиқ қонун билан тартибга солингани ҳақида ташуунчалар берди. У жажжи авлод вақилларини «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳияти билан ҳам таништириб ўтди. Тадбир доирасида ўтган расм чиқиш танлови катнашчилари касабга уюшмаларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Энг асосийси, бу ерда кунлар бир-бирини такрорламайди. Ўтаётган ҳар бир дақиқа ўғил-қизларга янги таассуротлар, олам-олам завқшавқ улашиши билан ўз қадрини ошираверади.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Учрашув

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси С.Файзиёва Бўстонлиқ туманида ёшлар билан учрашди. Тадбирда туман ҳокими Ж.Аҳмедов, 200 нафарга яқин ёшлар ҳамда тегишли ташкилотлар масъулари иштирок этди.



Учрашув аввалида вилоят кенгаши раиси С.Файзиёва касабга уюшмаларининг пайдо бўлиш тарихи, меҳнатқашларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб бориши, тизим раванга ва соҳага оид бошқа жараёнлар ҳақида сўзлади. Шунингдек, аъзолик афзалликлари, яратилган имкониятлар, касабга уюшмаларининг ёшларни қўллаб-қувватлашдаги қадам-

лари, мақсадлари ҳақида батафсил ташуунча берилди.

Шундан сўнг ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан масъулларга мурожаат қилишди. Мулоқот асоси муаммоларга ечим топишга қаратилган аниқ чоралар белгилаб олинди, улар юзасидан турли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Учрашув якунида 45 нафар энг фаол ёшга Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан «Ўзбекистон бўйлаб сەҳнат қил!» шiori остида Самарқанд шаҳрига икки кунлик сەҳнат ваучерлари топширилди.

Нигора РАХИМЖОНОВА

Ўқув-семинар

ТАЛАБАЛАР КАСАБА УЮШМАСИДА

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши «Касабга уюшмаларининг, ходимлар ва бошқа вақиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашдаги иштироки» мавзусида ўқув-семинар ўтказди.

Унда кенгаш раҳбарияти, ходимлар, мутасаддилар, Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналиши талабалари иштирок этди.

Дастлаб, вилоят кенгаши раиси ўринбосари Нормурод Исоқов сўзга чиқиб, мамлакатимизда касабга уюшмалари эркин ва кенг қўлмал фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани, хусусан, сўнгги йилларда касабга уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик янги босқичга кўтарилгани, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинаётганини таъкидлади. Шундан сўнг кенгашнинг Меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси Ҳамза Эшонқул муҳнат-шароитларга хавфсиз меҳнат шариоитлари яратиш ва бу борада жамоатчилик назоратини ташкил этиш тўғрисида семинар иштирокчиларига батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, юртимизда меҳнат муҳофазаси, касабга уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий база яратилган. Ушбу ҳужжатларга амал қилишда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Фаолиятимиз давомида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз, - дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилафрўз Ҳасанова. - Бу, айниқса, ёш авлодни касабга уюшмаларига кенг жалб қилиш, ижтимоий-сиёсий кўникмаларини янада ошириш масалаларида яққол кўзга ташланмоқда. Бугунги тадбир ҳам айни шу мақсадда ташкил этилди.

Семинарда, шунингдек, мутахассислар томонидан ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, касб касалликларининг олдини олиш ва касалликка чалинган шахсларга ногиронлик гуруҳини белгилаш асослари бўйича маълумотлар берилди. Шундан сўнг талаба-ёшлар Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҲУЖЖАТЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...



ёхуд касабаларнинг уюшмаларининг саноатлаштириш, саводсизликни тугатиш ва кенг қўламли бунёдкорликлар давридаги фаолияти

«Ishonch» газетасининг ўтган йил 11 ноябрдаги сониди «Туркистонда касабаларнинг уюшмаларининг пайдо бўлиши» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда илк касабаларнинг уюшмаларининг тузилиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаган ишчи-ҳодимларнинг уюши ва тизимнинг дастлабки босқичларидаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган. Биз ўша даврдан ҳозирга қадар тизимда амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсилроқ маълумотларга эга бўлиш мақсадида Ўзбекистон касабалар уюшмалари тарихи музейи сари йўл олдик.

Музейга етиб борганимизда чироқ ўчган экан. Ҳамроҳимиз - музей ходимаси Мухайе Ахмедова «Аттанг, ичкари қоронғи, энди сизга маълумотларни қандай кўрсатаман», деди қимтиниб. Кейин биргаликда йўлни топдик: телефонларимиз чироқларини ёқиб, ичкарига кирдик. Шунда вужудимизни музейларга хос сирли сокинлик чулғаб олди.

Ходима, аввало, музейдаги маълумотларни тўплашда ва уларни ўрганишда фаоллик кўрсатган Ирисмухаммад Абдукаримовни эслади. Бу инсоннинг режалаштирган ишлари, эзгу орзу-мақсадлари кўп бўлганини, аммо бешафат ўлим уни ҳаётдан эрта олиб кетганини айтди. Сўнгра бизни Туркистон касабалар уюшмаларининг ташкил этилиши ва фаолияти, етакчилари ва амалга оширилган ишлар билан таништиришга киришди. Унинг гапларини диққат билан тинглаб эканмиз, телефон чироғи ёруғида янада сирли туюлаётган тарихий суратлар, ҳужжатлар ва буюмларга тикилиб, ҳаёлан ўша даврларга саёҳат қилдик...

1925 йилнинг 21 мартда Тошкентдаги Свердлов театри биноси (ҳозир Ўзбекистон касабалар уюшмалари саройи)да Ўзбекистон касабалар уюшмаларининг 1-бу тунўзбек таъсис қурултойи бўлиб ўтган, - деб ҳикоя қила бошлади Мухайе Ахмедова. - Унда таркиби 53 кишидан иборат Ўзбекистон касабалар уюшмалари кенгаши сайланган. Шундан 37 нафари ўзбек эди. Бу эса республикада миллий раҳбар кадрлар кўпайиб бораётганини аниқларди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ягона касабалар уюшмалари ташкилоти тузилди. Унинг раислигига Николай Черёмухин

лойиқ кўрилди. Қурултой баёнининг асл нусхаси ҳозир музейда сақланмоқда.

Кейинги йилларда фаолларни соҳа ишига ўргатиш мақсадида Ўзбекистон касабалар уюшмалари қошида фабрика ва заводлар кўмиталари раҳбарларини қайта тайёрлаш республика курслари, қатор уюшмалар, марказий бошқарувлар ва округлар кўмиталарида ўқув курслари очилган. Шунингдек, тўқимачилар, пахтакорлар, умумовқатланиш ходимлари уюшмалари вакиллари иштирокида ҳам қурултойлар ўтказилган.

Сўхбатимиз шу ерга етганда чироқ ёнди-ю, музейнинг бор гўзаллиги кўз ўнгимизда намоен бўлди. Биз суратларга синчковлик билан бирма-бир қоқиб, тағидида ёзувларни ўқиб бошладик. Ўз навбатида, ҳамроҳимиздан аъзолар сони ортиб бориши қандай бўлгани тўғрисида сўрадик.

1927-1932 йилларда Ўзбекистонда халқ ҳўжалигини тиклаш ишлари тўлиқ яқунланади ва республикани саноатлаштириш борасида сезиларли натижаларга эришилади, - деди у саволимизга жавобан. - Ўша кезлар шўро ташкилотлари ва корхоналарида ишлайдиган ходимлар кўпаяди. Шунга мутаносиб равишда Ўзбекистон касабалар уюшмалари аъзолари сафи ҳам кенгайиб боради. Саноатлаштириш даври аввалида ишчи-хизматчилар сони 108 минг 478 нафар бўлган бўлса, 5 йилдан сўнг 498 минг нафарга етди.

Қурилишларга тўхталадиган бўлсак, дастлабки беш йилликда 289 та янги саноат корхонаси ишга туширилган, 79 та корхона реконструкция қилинган. Кўп ўтмай, Тошкент қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги ва Бекободдаги Хилкова цемент заводи фойдаланишга топширилган. Электр станциялари қуввати 482 млн. киловаттга етган. Булардан ташқари, Чирчик - Бўзсув ГЭСи каскади қуриб битказилган ҳамда Тошкент тўқимачилик ва Чирчик электромеханика комбинатларини барпо этиш ишлари изчил давом эттирилган.

Шу даврда ишчилар ихтирочилигининг оммавий ривожланиши кузатилади ва республикада ихтирочилар жағиятини тузиш ҳақида тақлифлар ўртага ташланади. 1931 йил апрелида Ўзбекистон касабалар уюшмалари ва ЎзССР халқ ҳўжалиги кенгаши ташаббус билан ихтирочилар ҳамда рационализаторлик бўйича I республика конференцияси ўтказилди. Унда барча округларда ихти-

рочилар жағиятини ташкил этиш ғояси олға сурилди ва 1931 йил май ойида Тошкентда биринчи ихтирочилар жағияти тузилди.

1933 йил июнида меҳнат халқ комиссарлигининг ижтимоий суғурта ва меҳнат муҳофазаси бўйича функциялари касабалар уюшмалари зиммасига ўтказилди. 3 сентябрда эса Ўзбекистон касабалар уюшмалари президиуми томонидан меҳнат халқ комиссарлиги ва унинг туманлараро инспекцияси органларини Ўзбекистон касабалар уюшмалари билан бирлаштириш чоралари кўрилди. Бирин-сирин Меҳнат муҳофазаси бўлими, Меҳнат қонунчилиги бюроси, Ижтимоий суғурта бўлими ташкил этилди.

Ўзбекистон касабалар уюшмалари ўн мингдан ортиқ мутахассислар тайёрлайдиган техник курсларнинг кенг тармоғини шакллантиришга ҳам бош-қош бўлди. Жумладан, фабрика, завод ташкилоти мактаблари қисқарок таълим мудирига эга касб-техника мактабларига айлантирилди.

Оммавий касблар ишчиларини тайёрлаш бевосита ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда амалга оширилган. Қисқа муддатли бу курсларда қишлоқ ҳўжалиги учун 20 минг нафар тракторчи ва 1000 нафарга яқин механик тайёрланган.

Ўзбекистон касабалар уюшмаларининг 1935, 1936, 1937 йилларда бўлиб ўтган VII, VIII, IX пленумларида энг муҳим муаммолардан бири - саводсизликка барҳам бериш масаласи кўриб чиқилди. Натижада 1937 йил охирига келиб, қатта ёшдаги аҳоли ўртасида саводхонлик даражаси 93 фоизга етди, талабаларнинг 35 фоизини олий таълим муассасалари, техник оулар ва саноат академияларида тахсил олаётган ёш ишчилар ташкил этди.

Касабалар уюшмалари Катта Фарғона канали қурилишида ҳам фаол қатнашгани алоҳида таъкидлаш лозим, - дейди музей директори Эркин Умароҳонов. - Қурилиш штабига республиканинг турли ҳудудларидаги меҳнат жамоаларидан канални барпо этишда катнашишга руҳсат сўралган қўллаб-қувватлар келиб тушган. Касабалар уюшмалари олиб борган кенг қамровли ташкилий ишларнинг самараси ўларок, бу объект қурилишида одамлар эмин-эркин ишлашлари учун зарур имконият ва қулайликлар яратилган. Колхозчи ва ишчиларнинг филокорона меҳнатлари натижасида узунлиги 270 километр, кенглиги 25-30, чуқурлиги 3-4

метрлик Катта Фарғона канали атиги 45 кунда қуриб битказилган.

1938 йили касабалар уюшмалари марказий кўмитасида иш ҳақи бўлими, фабрика ва заводлар кўмиталари қошида эса иш ҳақи комиссиялари тузилган. Улар ишчиларга ҳақ тўлашдаги айрим ҳато-камчиликларни аниқлаб, тез бартараф этишган.

1939 йил Чирчик ГЭСи ва азот-ўғит комбинати қурилишининг биринчи босқичи тугатилди. Бу даврда юртимизда бунёдкорлик ишларини ҳашар йўли билан амалга ошириш оммавий тус олди. Айни усулда 1939 йили Фарғона vodiysi-сида Лўғон ва Катта Фарғона, сўнгра Шимол-ий ҳамда Жанубий Фарғона, Хоразмда Тошсоқа каналлари, Қорақалпоғистонда яна битта Катта канал, Тошкент канали, Кампирровот тўғони ва бошқа ирригация-муҳандислик иншоотлари қуриб битказилди. 1940 йилда эса «Тоштекстильмаш» заводи ҳамда Ангрэн ва Бойсун кўмир конларига асос солинди. 1941 йил январда йирик саноат корхонаси саналмиш Чирчик электромеханика комбинати ишга туширилди.

Республика касабалар уюшмалари меҳнатқашларнинг моддий-маиший ва маданий таъминоти бўйича фаолиятини янада жадаллаштирди. Ижтимоий суғурта маблағлари нафақа пуллари тўлаш, дам олиш уйлари, санаторийлар, болалар муассасаларини қуриш ва уларни сақлаш ишларига сарфланган. Бундай муҳим вазифаларни ижтимоий суғурта кенгашлари бажарарди.

Хуллас, 1940 йил бошида Ўзбекистонда жами 20 минг 200 ўринга эга 368 та касалхона, 900 та амбулатория, 139 та туғуруқхона ва 400 та врачлик участкаси мавжуд бўлган. Шунингдек, 2000 тага яқин кутубхона, салкам 3000 та клуб, 45 та театр, 600 дан зиёд киноқурилма ва 17 та музей фаолият юритган.

Музей экспонатлари билан танишаётиб, ўша даврлар одамларининг залворли меҳнатлари, ҳамжихатликдаги сазай-ҳаракатлари, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари зое кетмаганига ғувоҳ бўлдик. Навбатдаги мақолаларимизда ушбу маскандаги ҳужжатларга таянган ҳолда, касабалар уюшмаларининг Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йиллардаги фаолияти ҳақида сўз юритишга қарор қилдик.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Таажжуб!



Фаридадага КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Фарида Раҳимованинг «йўқолиб» қолган иш ўрнини излаётганига салкам бир ярим йил бўлди... У Тойлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси маъмурияти буйруғи билан аввал ҳомиладорлик, кейинчалик бола парвариси таътилга чиққанди. 2021 йил 31 июлдаги буйруқда таътилдан қайтиш вақти 2023 йил 24 март қилиб белгиланган. Фарида таътил мuddатидан сал олдин, аниқроғи, 2023 йилнинг январида арiza ёзиб, ишга қайтиши учун рўхсат сўрайди. Аммо бу ва ундан кейинги илтимослари ҳам инобатга олинмайдди.

Ўтган давр мобайнида туман тиббиёт бирлашмасига ҳомиладорлик таътилидан қайтишим, ўз вазифамни бажаришга тайёр эканлигим тўғрисида 20 марта мурожаат қилдим, - дейди у. - Ишга чиқмасам бўлмасди, тўрт нафар фарзандим улғайиб, рўзгор ташвишларим кўпайган эди. Аммо ТТБ раҳбариятидан аризаларимга фақат 2024 йил 15 апрелда бир энликна жавоб олдим.

Бирлашма бошлиғи вазифасини бажарувчи Ш.Жабборов имзолаган бу жавоб хати ҳам жуда ғалати. Унинг қисқача баёни қуйидагича (имловий ва услубий хатоларини тўрилатилган ҳолда айнан келтирамиз):

«Тўғриқ ва ҳомиладорлик таътилида бўлган даврингизда ишга олинган ходимнинг ҳужжатларини буйруқлаштиришда ходимни асосий ишчи сифатида расмийлаштирилганлиги сабабли ўрнингизга келган одамни аниқлаштириб бўлмади. Ҳозирда сиз фаолият юритган 36-оилавий поликлиникасида етарлиқ штат бirlиги йўқлиги тушунтирилди ва Равот ОШПдан 0,5 ставка иш тақлиф этилди. Лекин сиз рад қилдингиз. Сизга бўш иш ўрни очилгунга қадар кутиб туришингизни маълум қилдик. Ушбу тушунтиришни тўғри қабул қилсан-

гизда билдирди ёзиб беришдан бош тортидигиз ва бу тўғрисида далолатнома тузилди. Мазкур жавоб хатидан нарози бўлган тақдирингизда Ўзбекистон республикаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишингиз мумкин...».

Афтидан, ТТБ маъмурияти «Бизнинг сўзимиз сўз, кўнмасанг, ана, қатта кўча!» қабилида иш тутганга ўхшайди. Акс ҳолда, аввалдан ишлаб келган ходимнинг иш ўрнини ким банд қилиб турганини аниқлашни ўта қийин ишга йўярмиди? Қолаверса, ОШП ва ҚШПларда патронаж ҳамшираларига бириктирилган участка у томонидан тўлдирилган ҳужжатлар орқали ҳам қийинчи ўрни қаерда эканлигига аниқлик киритиш мумкин-ку. Ёки бу амалиёт Тойлоқда қўланилмайди?

Бирлашма маъмуриятининг ўнлаб чакирим олисдаги ОШПда ишлаш билан боғлиқ тақлифни қабул қилолмайман, - дейди Фарида Раҳимова биз билан сўхбатда. - Ўзингиз ўйланг, арзимаган 600-700 минг сўмлик маош учун шунча овора-у сарсон бўлишим керакми? Холбуки, ўзим ишлаган ҳудуддаги барча одамларни яхши таниман. Демак, улар билан ишлашим ҳам осон.

Фариданинг мурожаатига асосан туман Адлия бўлими ТТБ раҳбариятига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритди. Аммо адлиянинг қонуний талаби ҳам бажарилмади. Туман про-

куратурасига қилинган мурожаат эса...

Прокуратуранинг жавоб хати «ТТБ маъмурияти тақлиф қилган ишга кўнмасангиз, ўзингиздан кўринг» деган мазмунда эди. Ажабо, бу ўринда қонун қаерда қолди? Уни ким назорат қилиши керак? Ҳуқуқ посбонлари ҳеч қурса Меҳнат кодексининг 405-моддаси билан танишиб қўйсала, фойдадан холи бўлмасди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам баъзи эътирозларимиз бор. Тойлоқ тумани тиббиёт бирлашмасида фаолият юритаётган 1084 нафар ўрта тиббиёт ходимининг 51,1 фоизи 0,25, 0,5, 0,75 фоизлик иш ставкаларида меҳнат қилаётганини қандай баҳолаш мумкин? Ахир бугунги кунда ўртача 250 мингдан 700 минг сўмгача ойлик маошга ишлайётган ходимдан нимани кутиш мумкин? Вазирликнинг яришма-юримта штат бirlиқларига барҳам бериш тўғрисидаги қарори нега бажарилмапти? Ёхуд бу кўрсатма Тойлоқ ТТБга тааллуқли эмасми? - Мана, нажот истаб, охири касабалар уюшмаларига келдим, - дейди Фарида Раҳимова. - Уларнинг ва суднинг кўмағида ўз иш ўринини қайтариб олмақчиман...

Жамоат ташкилоти меҳнат инспекцияси бу мурожаатни ўрганишга бел боғланган. Биз тез орада адолат қарор топишига ишонамиз.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Мирзакалон Исмоилийнинг икки қисмдан иборат «Фарғона тонг отгунча» романида XX аср бошида маърифат сари интилан, аммо зулм исканжасида қолган, инсоний ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум этилган оддий халқ, қамчисидан қон томадиган амалдорлар, бидъатчилару молпараст бойларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Чор Россияси босқини давридаги мансабдорларнинг илгма қарши жоҳил урушини, жисман қуллик, маънан қашшоқлик гирдобидида қолиб, маданий жиҳатдан бошқалардан қоқоқ ҳолда яшаб келаётган оддий одамларнинг турмуш тарзини акс эттириш ниҳоятда масъулиятли иш эди. Муаллиф ўша давр руҳини чуқур ҳис эта олгани, қаҳрамонлар характери ва мураккаб кечинмаларини яхши англагани боис бу вазифани муваффақиятли уддалай олган. Роман миллий руҳда ва ширадор тилда ёзилгани, ғоявий-бадий жиҳатдан пишиқ-пухталиги билан алоҳида ажралиб туради.

Тонг отгунга қадар ФАРҒОНАДА нималар бўлганди?

Асар бош қаҳрамони Ғулумжон ниҳоятда таъсирчан, нозик қалб эгаси. У диний ва дунёвий билимларни яхши ўзлаштирган, ҳақсизликка, зулмга чидай олмайдиган мард йигит. Ёзувчи унинг образини ҳаёт мураккабликлари ва турли зиддиятларга тўла жараёнлар оғушида шакллантиради. Воқеалар ривожини кузатсангиз, куз келиши биланок бу ўлкада ҳамма пахта терими билан банд бўлади. Шундай кезларда Ғулумжон бир сулувни учратиб қолади. Қиз унинг бор ҳаёлини ўғирлаб, қалбини ўзига ром этади. Бирок бу йигит ҳали севгининг аччиқ шаробини табиб кўрмаган эди. У улғайгани сари ҳаётга қараш ҳам ўзгариб боради. Пировардида содда, ишонувчан эмас, балки халқ манфаатлари ва ўз севгиси йўлида курашга шайланган ботир жангчига айланади. Буни, энг аввало, у фиску фасодга тўла ўқув даргоҳини тарк этганида кўришимиз мумкин.

Асарда тилга олинган яна бир муаммо ўша давр таълимнинг аҳолидори. Бир қанча қозию амалдорлар Ғулумжонга «Дарсингнинг бисмиллоси йўқ, сен диндан чиққан чала муллосан!» деб, у не-не машаққатлар билан очган замонавий фанлар ўқитиладиган мактабни буздириб ташлайдилар. Агар ислом дини дунёвий илмларни ҳам ўрганишни чекламаслигини эътиборда тутсак, бу ҳам ўша даврда муқаддас динимиз оёқоси қилинганга нозик бир ишорадир.

Ғулумжоннинг отаси Вали ака ҳар қандай вазиятда ҳам уни қўллаб-қувватлаб, қуч бағишлаб туради. Ўғлининг мактаб очиб ҳақидаги фикрини ҳам биринчилар қатори маъқуллайдди ва мактаб жиҳозларини тайёрлашга қўмаклашди. Натижада қишлоқ болалари таҳдат ясалган парталарда ўтириб ўқийдиган бўлишади. Аммо уларнинг қувончи узоққа бормади. Бу билим маскани ҳасадгўй ва қабих кимсалар томонидан ёқиб юборилди.

Ғулумжон ва Ҳаётгон бири хожа, бири қорача бўлгани учун маърифатсиз, бидъатчи, жаҳолатда қолган Мастоно кампир, замонасининг қонхўр, қасоскор ва юзисиз «амалдорлари» кирдиқорлари туфайли бир-бирига етиша олмайди. Бири фавқуллода вафот этса, иккинчиси ўз жонига қасд қилади.

Асарнинг иккинчи қисмида ҳам тақдири Ҳаётгонникига ўхшаган қаҳрамон бор. Қиз болани эрки, ихтиёри отасида бўлса-да, у фарзанди фикрини инобатга олмайди. Аслида қизни ўз жонига қасд қилишга мажбурлаган ота эмас, ўша давр мухити эди.

Фикримча, асарда ўтган аср бошидаги ҳато-камчиликлар тўлақонли ёритилган. Унинг «Фарғона тонг отгунча» деб номланиши ҳам ўша давр зулмат замони бўлганидан далолат беради. Бу ўринда нафақат Фарғонанинг, балки бошқа ҳудуддаги аҳолисининг ҳаёти ва турмуш тарзи ҳам қоронғиланган назарда тутилган. Зимистонда яшашдан безган халқ ўз ҳаётида тезроқ тонг отишини, нури кунлар келишини интиқиб кутган, сабр-тоқати тугагач, курашга отланган.

Романда ўша даврдаги баъзи дин пешволарининг разилиги ҳам рўй-рост очиб берилган. Шариятни ўз қўлида деб билган бу уламолар уни кўнгиллари истаган қўйга солиб, бидъатлар киритган, шахсий хоҳиш-истаклари бўйича шаръий ҳуқмлар чиқаришган. Уларнинг қинғирликларидан огоҳ бўлгач, қалбингиз ларзага келиб, қўзларингиз намланади. Асарни мутлолаа қилиб бўлгандан кейин чуқур ўйга толасиз. Қаҳрамонларнинг аянчли қисмати, давр муаммолари сизни кенгроқ фикр-мушоҳада юритишга ундайди. Муаллиф афсус-армонлар ила битган қуйидаги жумлаларни ўқийётганингизда эса, вужудингизни алланечук ҳайрат ва ҳаяжон чулғаб олади:

«Мен бу китобни ёза туриб қанчалар ийгалаанман, қанчалар қон ютганман!.. Билсангиз, пешонамда темир панжара, тепамда ўлимтик чировнинг ўлиб бўлган қора нури, остимда зах, совуқ бетон, эшигида отнинг калласидек қулф... Қўйинг, бошқа тафсилларнинг қораси ўчсин! Бу шунчаки бир китоб эмас, йўқ, шахсга сажда даврининг қора кунларида минг азоб, минг тўлоқ билан тугилган бир ғариб хилқат! Бу менинг ийглай-ийглай топган болам!

Машхура ҚўШБОҚОВА,
ЎзЖОКУ 2-босқич талабаси

спорт мусобақалари
шиддатли кечди



27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни. Шу муносабат билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва унинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида спортнинг волейбол ва бадминтон турлари бўйича журналистлар ўрта-сидра спорт мусобақалари ташкил этилди. Унда 20 га яқин ОАВ жамоасидан 200 нафардан ошқ иштирокчи қатнашди.

Ўйинлар Шайхонтохур туманидаги спорт мактабида бўлиб ўтди. Тадбир баҳонасида қалам аҳли – журналист ҳамкасбларимиз иш столдан узоклашиб, ҳамкасблари билан бироз маҳорат бодига ҳам куч синашишти. Жумладан, бадминтон спорт турида 40 га яқин эркак ва 20 дан ортқ аёл беллашиб, эркаклар ўртасидаги баҳода журналистлар – Хусан Эрматов («Ishonch» газетаси), Нажабулло Усмонов (ЎЗМТРК) ва Сухроб Акбаров (ЎЗМТРК)лар энг яхши ўйинчи сифатида эътироф этилган бўлсалар, аёллар ўртасида Дилором Эргашева (ЎЗМТРК), Дилором Раҳимова («Ёшлар» телеканали) ва ЎЗЖОКУ кафедра мудири Назира Тошпулатовалар энг кучли ўйинчи деб тан олинди.

Волейбол спорт тури йўналишида ҳам 13 та жамоа ўртасидаги баҳслар қизгин ва мurosасиз кечди. Эркаклар ўртасидаги беллашувда яққол устулик «Ёшлар» ва «Ўзбекистон» телеканаллари жамоалари томонидан бўлган бўлса, махсус кубок ва биринчи ўрин соҳиб бўлган – «Янги Ўзбекистон» газетаси жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади. Улар барча учрашувларни галаба билан қўчқуладди. Аёллар ўртасидаги ўйинда «Ёшлар» ва «Спорт» телеканаллари ҳамда «Ishonch» газетаси ходимлари ғолибликка асосий давгоҳар бўлишти.

Барча учрашувлар якунлангач, Шайхонтохур спорт мактабида иштирокчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда бадминтон спорт турида ғолиб бўлганларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари, волейбол бўйича ғолиб жамоаларга пул мукофотлари топирилди.

Бугун журналистлар нафақат сўз эркинлиги туғайди соҳада ўзини кўрсатмоқда, балки яратиб берилган шароитлардан фойдаланиб, спортда, соғлом турмуш тарзи тарғиботида ҳам фаол, – дейди мусобақаларда фаол иштирок этган «Янги Ўзбекистон» ва «Правда востока» газеталари жамоаси бош муҳаррири Салим Доинов. – Таҳририятимиз ташкил этилгандан бери ҳар ҳафта маълум бир вақтда махсус спорт масканида йиғилиб, футбол ва волейбол, шахмат-шашка ўйинлари ўйнаб турамыз. Албатта, бу ўзимизнинг саломатлигимиз учун фойдали, аммо ушбу доимий машқларимиз бугунги каби ўйинларда жамоамизнинг ғолиблар сифидан ўрин олишига ҳам сабаб бўлмоқда. Галаба билан барча ҳамкасбларимизни табриқлайман! Демак, биз бундан кейин ҳам машқларни тўхтатмаймиз, спорт билан янада кўпроқ ошно бўламыз.

Байрам баҳонасида ташкил этилган мусобақа кизкарли, шиддатли ва мurosасиз кечибгана қолмай, қалам ахлининг спортга бўлган муҳаббатини янада кучайтирди.

Зебунисо ЯНГИБОВА

Бу сўзлар пойтахтимиздаги Миллий кино саройида тақдироти бўлиб ўтаётган «Баҳодир Ялангтўш» фильми қаҳрамонлари – Бухоро салтанатининг хони Имомқулихон ва Самарқанд ҳокими Баҳодир Ялангтўш ўртасидаги суҳбатдан олинган. Аввалига ташки кучлар билан сиёсий кураш ва музокара олиб борган, аммо ўзи кутмаган ҳолда ички низолар дастидан ҳокимияти, бошқарувида парокандалик юз берган Баҳодир Ялангтўш адолатли раҳбар, халқини фаровонликка етаклаган сиёсатчи, Самарқандда улкан ислохотларни амалга оширган бунёдкор бўлсада, энг яқин аёнларининг хиёнатидан панид еди. Ҳокимлик бошқаруви илкидан кетди. Бироқ юртига ғаним бостириб келганида, гина-қудурат қилиб, ўзини панага олди. Бор кучини яна ташки душманга қарши жангга сафарбар қилди.

Фильмининг бош ғояси Туркистонни неча ўз йиллар давомида қийнаган азалий муаммо – бирлик, жиқслик муаммоси. Унда бирлашувнинг етишмаслиги нималарга олиб келиши, ташки душмандан ҳам ички душманларнинг хавфлилиги кўрсатиб берилган. Аслида, тарихда ҳам Имомқулихон ва унинг укаси Назр Мухаммад ўртасида ихтилофлар бўлгани ҳақида ҳулосалар айтилган, аммо аниқ бир факт мавжуд эмас. Шу боис бўлса керак, фильмда ҳам Баҳодир Ялангтўш ҳокимиятига қарши фитналарнинг бошида Назр Мухаммад тургани очик айтилмайди, буни воқеалар ривожидан томошабин ўзи илгандек бўлади. Асосий хиёнаткор Самарқанд ҳокимининг саройи ичидаги Абдурахмон девонбегни образида тасвирланади.

Кўпчилигимиз тарихда ўтган аждодимиз Баҳодир Ялангтўшнинг Регистон мажмуасини кургани орқалигина таниймиз. У ҳақда бошқа ҳеч нарса билмаймиз. Фильм ёрдамида томошабин тарихда ўтган адолатли, ислохотларвар ва халқини севган сиёсатчи Баҳодир Ялангтўшнинг яқиндан танийди. Унинг 40 йилга яқин Самарқандни бошқаргани, ўз даврида амалга оширган ишларини билиб олади. Фильмда XVII аср Бухоро хонлиги таркибидаги Самарқанд шаҳрида кечган воқеалар очиб берилади. Фильмининг бошроғида Шердор мадрасаси қурилиши устида, аниқроғи, қуёшли шер тасвирининг баҳси, халқнинг бу тимсолдан норозилиги юз беради. Бўлиб ўтган воқеалардан халқимиз азал-азалдан қурилиш ва меъморчиликда билимдон бўлгани, етти ўлчаб, бир кестанини кўрамыз.

Одатда, биз «Тарихий аждодларимиз ундай бўлган, бундай бўлган» деб, гуру билан гапирамыз. Аммо давлатни қандай идора қилгани, қўл остидагилар билан муносабати, адолатни қандай ўрнатгани, ички низоларни қандай ҳал этганию мураккаб вазиятлардаги ички кеңинималарини бадийий фильмларда яхши кўрсатилганимиз ўй.



АЖДОДИМИЗНИ
ТАНИТГАН ФИЛЬМ

«Оловуддин Хоразмшоҳнинг сахройи Чингизга енгиллиши ҳам, Мухаммад Тарағай Улуғбекнинг боши падаркух ўғли томонидан қопилиши ҳам ички адоватлар туғайли эмасмиди? Бу машъум анъанага чек қўя олмасак, келгуси насллар бизни асло кечирмағай! Биз бир бўлсак, халқ бўлиб бирлашсак, бу Юрт енгилмайди!».

Бухоро хони Абдуллахон II назарига тушган ва унинг ҳомилигида махсус харбий мақтабда ўқиган (1590–1593). Ўзининг давлат олдидаги муносиб хизматлари эвазига дастлаб Булунгур, Лойиш, Каттакўрғонда туманбоши лавозимида ишлаган. 1612 йилдан бошлаб эса Самарқандни мустақил идора қила бошлаган.

Баҳодир Ялангтўш ролини иктидорли киноактёр Ҳабибулла Низомов ўйнаган. Малика ролида эса Шахризода Дилмурод қизи. Уни томошабинлар «Ўткан кунлар» фильмининг иккинчи тақинида Кумуш роли орқали танишади. Узок йиллик таънафусдан кейин бу Шахризода Дилмурод қизининг кинодаги иккинчи роли бўлди. Продюсер Зафар Йўлдошев, режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов, сценарий муаллифлари – Хасан Тошқужаев ва Жаҳонгир Аҳмедов.

Шунингдек, фильмда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Боир Холмирзаев, Матқўб Матқонов, Беход Мухаммадқаримов, Тоҳир Саидов ва қозғостонлик ҳамда киргизистонлик актёр ва актрисаларни ҳам кўриш мумкин. – Фильмда энг сўнгги замонавий рақамли технологиядан фойдаланилди. Яхши натижага эришиш учун қандай шароит керак

бўлса, барчаси яратилди, – дейди Жунғор хони Эрдени ролини ижро этган қозғостонлик таниқли кино ва театр актёри Давлатбек Абдуғафоров. – Мазкур кино ўзбек киносаноатининг янги босқичга кўтарилишида кинокартина бўлишига ишонаман.

Улкан залда ўтирганларни кўзатаман: ҳамма томошага берилган. Тарихий жараёнлар ва воқеалар ривожини нима билан тушундириш мумкин. Мусикалар ҳолатни томошабинга янада кучайтириб етказди. Фильм давомида бир неча марта томошабинлар гоҳида қадрағи уруш тасвирларидан, гоҳида қаҳрамонларнинг ақли галларидан тасвирланиб, қарсақ чалиб юберишди. Бу бир томондан, савияси ҳаминқадар серияларни кўришдан қарчаган халқимизнинг ҳақиқий кинони қадрлашини, яхши тушунишини ҳам кўрсатади. Фильмда Бухоро хонлиги аёнларининг Россия империяси шохи Михаил Романов, Жунғорлар ҳукмдори Эрдени, Эрондаги Сафавийлар сулоласи ҳамда Хитойдаги Минь империяси вакиллари қабулида бўлиб, музокара олиб борганини кўрамыз. Ва ўйлашмизки, фильмни суратта олиш жараёни ана шу ўлкаларда ҳам кечган. Аммо бундай эмас. Кино «Ўзбекфильм»нинг янги жиҳозлан-

ган павильонида олинган. Сценарий муаллифи Хасан Тошқужаевнинг айтишича, ушбу технологияга фильм бюджетининг деярли ярми сарфланган (маълумот учун, фильм бюджети 31,5 миллиард сўми ташкил этган) ва эндиликда «Ўзбекфильм»да ишланадиган бошқа асарларни олишда ҳам ушбу технология имкониятларидан самарали фойдаланилади.

Фильмни томоша қилиб чиққан юртдошларимизнинг кўзларига боқаман. Уларда ўзлари учун қандайдир маънавий озуқа олганидан мамнулик ҳисси акс этади. Бири ёнидаги шеригига қараб, «Бизникилар энди фильм олишни ўрганибди» деса, яна бири «Шундай фильм ишласа қурама-ку!» дейди қувониб. Назаримда, кинодан чиқаётган барчада бир-бириникига ўхшаш хиссиётлар уйғонганди. Бу – тарихимиз, миллий аждодимиз Баҳодир Ялангтўш билан фахр туйғуси. Унга ҳавас ҳисси.

Кинокартина компьютер графикаси асосида ишланган ва павильондан чиқмасдан олинган биринчи ўзбек бадий фильми бўлди, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, кинорежиссёр ва актёр Анваржон Азимов. – Тугриси айтсам, фильм бу даражада бўлишини кутмаганлиди. Ҳаммасини ўз ишининг профессионаллари бажаришган. Жаҳонгир Аҳмедов атрафида яхши жамоа тўплай олибди. Томошабин кетган вақтга ачинмайди. Фильм юртдошларимизга бош қаҳрамонни севира олди, ёшларни тарихимизга қизиқтира олди, деб ўйлайман.

Айни кунларда фильмни кўрган борки, у ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини ёзмақда. Улар орасида айрим жузъий камчиликларни айтиётганлар ҳам бор. Масалан, малика ролини ўйнаган Шахризода Дилмурод қизининг лаби ботокс қилингани билини қолгани ва бу ўша давр руҳиятидан келиб чиққан, нотўғри экани, фильм охирида ровий тилидан айтилган Ялангтўш ҳақидаги маълумотлар ҳам баёнчилик усулида бўлиб қолгани, бу кино жанрига унча хос эмаслиги айтилган. Айрим томошабинлар эса фильмда турк тарихий сериалларнинг нафаси сезилганини билдиришган. Албатта, бундай фикр ҳамда тахлиллар бўлаётгани яхши. Чунки кейинги тарихий кинолар олинишида улар асқатади. Биз халқимиз ва фильм иждоқорларини яхши тарихий асар яратилгани билан қутлаймиз.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Бу тепаликка чиқсангиз, атроф пойингизда кафтдек кўрингиз. Тоza ҳаво, тўрт тарафдаги яшиллик дилингнизи яйратади. Қарийб 2500 йиллик тарихга эга бу улкан тепалик қаерда эканини биласизми? Ҳозиргача кичик бир қисми ўрганилиб, ундан ноёб топилма-лар қазиб олинганидан хабарингиз борми? «Биби оча» (Биби Ҳадича) зиёратгоҳи, «Мозори пари», «Етти пари», «Етти қиз» номлари билан аталадиган қадамжолар, етти ака-ука авлибаларнинг тўнғичи Бобо Жобир «Хаста бузургон» ҳақида эшитгандирсиз? Яна ўнлаб шундай қадамжолар Сирдарёда, десак, ажабланишингиз табиий.

Негаки, ҳудудни кўпчилик чўл зонаси сифатида билади. Кўз олдида Сардоба обидаси, дарё, балиқ, қовун-тарвуз, анор келди. Аслида эса қадим шаҳарлардаги каби зиёратгоҳлар воҳанин Ховос туманидаги Ховособод қишлоғида жуда кўп. Уларнинг тарихи узун, жуда кизик, ривоятлар эшитилди. Шулардан бири кўхна Ховостепа. Унда олиб борилган қазилма ишлари пайтида қадимий шаҳар қолдиқлари топилган. Энг ноёб осори-атиқалардан бири эрамиздан аввалги II ва III асрга оид Анахита хайкалчасидир. X-XI асрларга оид тангалар, XII асрга оид ҳумо қуши тасвири туширилган чироқ дастаси, X-XI асрларга тааллуқли махсус симоб идишчаси, VII-VIII асрларга оид идишларда қўлланган муҳрлар, жами 200 дан ортқ тарихий ашё топилган бу тепалик аслида кўхна Ховос қалъасининг бир қисми ҳисобланади.

Тасдиқланган манбаларга кўра, Ховос тумани ҳудудида 28 та макбара бўлган ва ҳозирги кунда фақатгина 12 таси сақланиб қолган. Азизлар кўним топган жойлардан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Бу ерда қилинган дуолар ижобат бўлишига умид қилинади. Зиёратгоҳларнинг барчаси таъмирланиб, чор атрафи обод, кўкаламзор, соя-салқин, гўзал гўшага айлантилган. Қунига 150 га яқин, бир ойда эса 4 минг нафар сайёх таширф буюрмоқда. Агарда транспорт, йўл қурилиши, меҳмонхоналар, вақтинчалик қўналғалар, меҳмон уйлари, умумий овқатланиш корхоналари, коммунал, маиший хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси ва савдо тармоқлари хизмати кўнглидайдй йўлга қўйилса, сайёхлар оқими янада ортиб, қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги иш би-

Сирдарёдаги
очилмаган кўриқ

лан банд бўлади. Сайёхларни кўпроқ қадимий қадамжолар, зиёратгоҳлар қизиқтиришини ҳисобга олсак, тарихи ҳам, табияти ҳам диққатга сазовор бу манзил машҳур шаҳарлардан сира қолишмайди.

Воҳадаги кўхна обидалардан яна бири «Ёғочли Сардоба»дир. Буюк Ипак йўлида жойлашган бу қадимий ёдгорлик кейинги пайтларда эътибордан четда қолган ва унга нисбатан одамларнинг қизиқиши ҳам қамайган эди. Президентимизнинг 2017 йил 17 январдаги Сирдарё вилоятига таширфи давомида ўтказилган мажлис қарорига кўра, Сардоба туманидаги маданий мерос объектини таъмирлаш-тиклаш учун республика бюджетидан 600 миллион сўм ажратилган, шундан 493,8 миллион сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганди. Бироқ атрафда сайёхлар учун шароитлар етарли эмас. Яқинда бу маскани яхлит туристик мажмуага айлантириш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, шу ернинг ўзида тақдироти ўтказилди. Унга кўра М-39 автомагистраль йўли ёқасида қатор хизмат кўрсатиш ва савдо комплекслари, овқатланиш масканлари, санитария-гиғиена шохобчалари, автомобилларга ёқилги қўйиш станцияси, меҳмонхона ва автотураргоҳлар қурилади. Шунингдек, тарихий ёдгорликка ёндош бўлган Файзобод маҳалласи инфратузилмаси тубдан яхшиланади. Яшил майдон ва сайилгоҳлар барпо этилади. Энди ҳамма гап ана шу эзгу ишларнинг тез ва соз амалга оширилишига бағлиқ.

Сирдарё бўйлари ов, балиқ ови, экотуризм учун жуда қулай. Йўл бўйида агротуризм лойиҳалари (қовун ва тарвуз, қишлоқ хўжалиги махсулотлари, анор), экотуризм (балиқчилик, дам олиш масканлари) ҳамда санот туризми йўналишлари объектлари ташкил этилган. Балиқ овлаш ва ўша ерда дам олишни

ташқил этишда бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сирдарё бўйида, Янгийер шаҳри билан Мирзаобод тумани туташган ҳудудда сайёхлар учун интенсив ва сунъий қўлларда балиқ овлаш, ундан турли таомлар тайёрлаш, шунингдек, тайёр балиқ махсулотларини тановул қилиш учун «Балиқ маркази» ташқил этилиб, маҳаллий ва хорижий сайёхларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани таҳсинга сазовор. Гиббий туризм соҳасида ҳам анчагина ютуқларга эришилмоқда.

Жорий йилнинг майга қадар вилоятга 38 минг 400 нафар, шундан 12 100 нафари хорижлик, 26 минг 300 нафари маҳаллий сайёхлар таширф буюришган. Бу ўтган йилга нисбатан яхши кўрсаткич. Бироқ бундан ҳам юқори натижалар учун имкониятлар бисёр.

Сирдарё туманидаги Камолот маҳалласида «Равон арена» МЧЖ томонидан 6,3 гектар майдонда ресторан, меҳмонхона, балиқ ови майдонлари, экотуризм маскани, чўмилиш ҳавзаси, болалар майдончаси ва спорт майдончаларини ўз ичига олган туризм комплекси лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳаниннг бошланғич қиймати 14 миллиард сўми ташқил этиб, комплекс ишга туширилгач, 50 та янги иш ўрни яратилади.

Гулистон шаҳрида туризм кластери иш бошлади. У 1200 кишини қабул қиладиган меҳмонхона ва даволал клиникаси, савдо ва кўнгличар масканларни ўз ичига олади. «Шоҳрух-Демирбек» МЧЖ томонидан барпо этилаётган қий-

мати 133,5 миллиард сўмлик мажмуа йил якунига қадар фойдаланишга топширилади. Кореялик инвесторлар билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида 4 юлдузли замонавий меҳмонхона қурилади. Сайёхлар оқимини ошириш мақсадида турли халқаро фестиваллар, жумладан, август ойида «Қовун сайли» фестивали ўтказилади. Келган сайёхлар учун меҳмонхоналар, уларда яратилган зарур шарт-шароитлар жуда муҳим. Бугунги кунда вилоятда 13 та меҳмонхона, 20 та қўналға (хостел), 15 та оилавий меҳмон уйлари фаолият кўрсатмоқда. 13 та меҳмонхонаниннг барчаси замонавий талабларга жавоб бера олади. Тез орада улар қаторига яна 2 та янги меҳмонхона қўшилиди.

Вилоятнинг туризм салоҳияти хали очилмаган кўриқ. Амалга оширилиши керак бўлган лойиҳалар бисёр. Сайёхларни қизиқтирадиган манзиллар эса сероб. Соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари қўл-қувватланса, туризм инфратузилмаси яхшиланса, инвестиция ва экспорт қўлайиб, хорижий сайёхлар сонини режадаги 56 минг кишидан ҳам ошиб кетиши шубҳасиз. Бунинг учун эса юқоридаги хайрли лойиҳалар тўла-тўқис, ўз мuddатларида амалга оширилиши керак бўлади.

Сайёхларнинг вилоятимиздаги диққатга сазовор жойлар ҳақида тўла маълумот олиши учун тарихини, урф-одатларимизни яхши биладиган билимли, тажрибали йўл бошловчиларга эҳтиёжи бўлади. Бу борада ҳам хали қилинадиган ишлар кўп.

Сирдарё жаҳонга кучоқ очмоқда. Бошланган лойиҳалар ниҳончаси етказилиб, келгусида «Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва бошқа ҳудудлардан бир гуруҳ сайёхлар Сирдарёга жўнаб кетишадй» ёки «Энг кўп хорижлик сайёхлар таширф буюрган вилоят – Сирдарё» деган хабарлар ёйилса, ажаб эмас.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



MYACCCIS: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

ISSN 2010-1000

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarі tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosima SHOSLOMOV, Hamidulla PHOIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-79

Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: J. Nahanov

Musahhirlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:50 Topshirildi – 00:20

Bahosi kiritilgan narxda

Manzillim: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 129 ta Shundan: 7 394 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 249 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 8 486 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uйда chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-611

1 2 3 4 5 6